

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 13 июль. Шанба №59 (920) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАҒАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 91 530 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 179 020 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 179 020 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 109 850 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилмаган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда

муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидига корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мумофиқ, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2013 йил 11 июль.

### ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

## ОЧИҚЛИК ВА ОШҚОРАЛИК МЕЗОНИ

**Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш бўлиmlаридан кейин ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ҳамда сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган алоҳида бўлим киритилган.**



Юртбошимиз бу борада фикр юритганда: «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш бўлиmlаридан кейин ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ҳамда сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган алоҳида бўлим киритилган. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш бўлиmlаридан кейин ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ҳамда сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган алоҳида бўлим киритилган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш бўлиmlаридан кейин ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ҳамда сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган алоҳида бўлим киритилган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш бўлиmlаридан кейин ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ҳамда сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган алоҳида бўлим киритилган.

> [2]

### ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК



ЎзА сурати.

## ИСТИҚБОЛМИ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

**Республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг янада равнақ топишида муҳим омили бўлмоқда.**

Жамиятимизнинг демократлашуви жараёнида руй бераётган бу ўзгаришларни «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлимининг ҳудуддаги нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликдаги фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Фонднинг вилоят бўлими «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ҳузуридаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот

маркази ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик урнатган. Утган йили ушбу нодавлат уюшмалар билан «Ёрдамга муҳтож оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш жараёнига нодавлат ташкилотларни жалб этиш» лойиҳаси амалга оширилди — эҳтиёжман оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Ижтимоий йўналишдаги лойиҳаларни амалга оширишда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг «Ўзбе-

кистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» билан ҳамжиҳатлиги асосланган. Жиззах шаҳар ободонлаштириш бошқармаси форумнинг вилоят ахборот маркази ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан ҳамкорликда утказган «Ойдин кучалар» акциясида шаҳардаги учта марказий кўчада ёритиш чироклари тулиқ янгиланди. Шунингдек, «Қарияларга эъзоз», «Меҳрдан яшнар кўнгил» тадбирларида кекса ва ёшларга моддий ёрдам кўрсатилади: 513 та кам таъминланган оилаларга 87 миллион 210 минг сўмлик совғалар тарқатилади.

> [3]

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## НОЁБ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаолигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, фуқаролар йиғинларининг алоҳида ўрни бор.**

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги

вазифаларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаган.

Ана шу талаблар асосида қайта ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун жорий йилнинг 23 апрелида кучга кирди. Айни пайтда жойларда ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳияти урганилиб, унинг маҳаллалар фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги ўрни эътироф этилмоқда.

Нормурод ИСОҚОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси:

— Янги таҳрирдаги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар фаолиятимизни юксалтириш учун айни мuddао бўлди. Унга қура, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишидаги ваколати янада кенгайди. Хусусан, фуқаролар йиғини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш чорасини кўради. Шу мақсадда ажратилган маблағларнинг қонуний тарзда, мақсадли-манзилли сарфланшини таъминлайди.

> [2]

### СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

## ЭЗГУ МАҚСАД ВА АМАЛ САМАРАСИЗ КЕТМАЙДИ

**Инсон кўнглидаги орзуларини рўёбга чиқариши учун ўзидаги имкониятлардан тўла фойдаланиб, соҳага доир билимларини амалиётда қўллай олсагина ютуққа эришар экан.**

Бунга «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» курик-танловининг республика босқичида энг ёш маслаҳатчи сифатида иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритганимда яна бир бор амин бўлдим.

Маҳалламизда 4 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тенг ярми ёшлар ва учдан бири аёллардир. Эртагина эгаларини дунёга келтирадиган оналаримизнинг маърифатли ва соғлом бўлишлари жамият равнақида муҳим аҳамият касб этади. Йигинимиз қўшидаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия

аъзолари қўлагида аёлларнинг ана шундай фазилатларга эга бўлишига ҳисса қўшиш мақсадида турли учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қиламиз.

Жорий йилда шаҳарчамиз урамидида маҳаллалар маслаҳатчилари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида «Соғлом она — соғлом келажак», «Соғлом оила — соғлом авлод — соғлом келажак» мавзуларида унга яқин давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида шу йилнинг утган дав-



ри мобайнида йигинимиздаги 660 нафар фертил ёшдаги аёлнинг тенг ярми, шунингдек, шунча воғта етмаганларнинг барчаси тиббий қўриқдан утказилди.

> [4]



ЮРТИНГ ОБОД

### ДИЛИНГ ОБОД ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ

Шаҳрисабз шаҳрида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Энг улғу, энг азиз айёмимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада жадаллашган.

«Ўзшарҳорозлик» лойиҳасида илмий-текишириш институти томонидан тасдиқланган бош режа асосида шаҳарнинг тарихий марказини замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари ҳамда миллий аъёналарга мумофиқ ривожлантириш мақсадида қурилиш, ободонлаштириш ишлари қизин давом эттирилмоқда. Хусусан, шаҳардаги «Оскаррой» меъморий мажмуаси ҳамда «Доруттиловот» ва «Доруссоодат» мажмуаларини бирлаштирувчи сайилгоҳ бунёд этилаётди. Мазкур сайилгоҳ миллий ва замонавий меъморчиликни ўзда мужассам этгани билан аҳамиятлидир. Унинг қурилишига вилоятнинг барча туманларидан қўли гул усталар тақлиф қилинган. Шунингдек, шаҳарнинг қўллаб қўчалари кенгайтирилмоқда.

Шаҳар марказидаги 28 та натурар-жой бинолари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, корхона ва ташкилотлар биноларида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Амир Темур хибобидида олиб борилган ишларга маҳаллалар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хашар йўли билан майдон ҳудуди ободонлаштирилиб, мевади ва манзарали дароҳ ва гул кўчатлари экилди. Майдон йўлакларидида ҳамда Амир Темур хайкали пойидаги гранит ва мрамор плиталар таъмирланди, йўлакларга безакли қопламалар ётқизилди. Айни кўнларда эса тунги ёритиш чироклари тулиқ замонавийларига алмаштирилмоқда. Бундан ташқари, «Амолот», «Ипак йўли», Фафур Ёлмон номидида маҳаллаларда жойлашган кўпқаватли уйлар реконструкция қилинмоқда. Уларга замонавий кўриниш берилиши билан бир қаторда канализация ва ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш чоралари ҳам кўрилади.

Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрамига Неҳуз, Самарқанд, Зингирон, Тошкент, Қўлоллик каби ўнлаб кўчалар қайта таъмирланиши ва уларда 14 та бекот бунёд этилиши кўзда тутилган. Айни пайтда «Китоб — Шаҳрисабз» автомобиль йўлини кенгайтириш, йўл четларига қопламалар ётқизиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу ишларга республика ва маҳаллий бюджет, Амир Темур жамғармаси ва хомийлар ҳисобидан маблағлар ажратилмоқда. Муборак газини қайта ишлаш заводи, «Муборакнефгаз» УШК, «Талимаржон» ИЭС, «Қашқадарэ пахта sanoat» ҳудудий бирлашмаси, Қарши ва Косон ёк-экстракт заводлари каби бир қатор йирик ташкилотлар бунёдкорлик ишларига хомийлик қилишмоқда.

Шунингдек, Амир Темур майдони яқинида болалар маданият ва истироҳат боғини барпо этиш учун дастлабки қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Шаҳар бош режасига кўра, туманда 12 та янги маҳалла гузарни барпо этилади. 64 та маҳалла бинолари реконструкция қилинади. Айни вақтда эса «Кунчиқор» ва «Наврўз» маҳалласининг янги бинолари хашар йўли билан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ёшлар учун хар бир маҳалла ҳудудида спорт иншоотлари, болалар спорт майдончалари бунёд этиш ишлари олиб борилмоқда. Демак, яқин кўнларда Шаҳрисабз шаҳрининг қиёфаси янада гўзаллашиши шубҳасиз.

Мўътабар АСОМОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шаҳрисабз тумани бўлими бош мутахассиси.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# НОЁБ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



Шунингдек, қонун кам таъминланган оилалар ва эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлашда ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш омили бўлиб, унга мувофиқ, бандликка кумақлашши ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан бирга ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни аниқлаш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ёрдамида кам таъминланган оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказишда ёрдам кўрсатади.

Айтиш лозимки, энг улут, энг азиз айёми — Мустақиллик байрами арафасида ана шундай хайрия тўйларини ўтказиш анъанаси айланган. Бугунги кунда ҳам вилоятимиздаги мавжуд 340 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида кам таъминланган оилалар фарзандларининг рўйхаги шакллантирилиб, суннат ва никоҳ тўйларини ўтказишга тайёрларик кўришмоқда. Бу тўйлар барча туман ва шаҳарларда, маҳаллаларда ҳомийлар билан ҳамкорликда ўтказилади. Бундан ташқари, «Фонд Форум», «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди билан ҳамкорликда ўтган йили илк марта ўтказилган «1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўй» лойиҳаси Обод турмуш йилида ҳам давом этди.

Янги таҳрирдаги қонун ушбу хайрли ишларни амалга оширишда кенг имкониятлар яратди, албатта.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Кармана тумани бўлинимаси раиси:  
— Шуниси эътирофга лойиқки, янги таҳрирдаги қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари — қонунийлик, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ус-туворлиги, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одат ва анъаналар билан тўдирилган.

Қонундаги муҳим янгиликлардан бири бу — давлат органлари ва мансабдор шахсларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмаслигидир. Қонуннинг 3-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақиллиги қайта этилган. 26-моддада эса фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулк даражаси ва қонун билан қўриқилиши белгиланган. Мазкур моддада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари коммунал хизматлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёз ва преференциялардан фойдаланиши кафолатланган.

Дилфуза АТАУЛЛАЕВА,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий шаҳар бўлинимаси бош мутахассиси:  
— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга киритилган муҳим ўзгаришлардан бири фуқаролар йиғинларида ўз ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хўнарандчиликни ривожлантиришга кумақлашши мақсадида маслаҳат марказларини ташкил этиш ваколати берилганидир.

Қонунда давлат органлари бундай марказлар фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мақсадли рағбат берилган. Мазкур мақсадли рағбат марказларига бино бериши ҳам таъкидланган. Шунингдек, тадбиркорларга кредит олишда кумақлашши мақсадида фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларига кредитлар олишда белгиланган тартибда қайли бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги норма ҳам киритилган. Албатта, бу барча юр-додларимиз қатори шахримиз маҳаллаларида истиқомат қилаётган аҳолининг манфаатларига мосдир.

Айни пайтда ҳудудимиздаги 30 та маҳалланин ҳар бирида ундан ортиқ тадбиркорлик субъектлари мавжуд. Айниқса, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга интилувчилар, шу мақсадда иш бошлаганлар кўпаймоқда. Янги қонун уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда аҳолини ушбу соҳага кенг жалб этишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Фуқароларни, жумла-дан, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда оилалар фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

«Mahalla» мухбири Холби САФАРОВА ёзиб олди.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК МЕЗОНИ

< [1]

Мазкур фармойиш талабларидан келиб чиққан ҳолда бугун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд шаҳар бўлинимаси томонидан аҳолига соҳага оид ахборотлар, бўлим фаолиятига доир маълумотларни тезкор равишда тақдим этиш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мавжуд 222 та фуқаролар йиғинининг 194 таси компьютер жиҳозлари билан таъминланиб, интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлди. Бўлима ҳузурда ахборот хизмати ташкил этилди. Ушбу тузилма чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, www.samarkand.uz номи остида бўлима веб-сайти яратилди.

Мазкур ҳуқуқий эксперимент доирасида бўлима ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига сўровномалар берилмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, агар эксперимент жараёнидан илгари бу органларга нисбатан мурожаатимизга бир неча кун кечикиб жавоб қайтарилган бўлса, эндиликда ўтган икки ярим ой давомида бўлима ва маҳалла йиғинлари томонидан юборилган 74 та сўровга ўз вақтида, яъни ўн



ЎзА сурати.

беш кунда жавоб қайтарилди.

Айни чоғда вилоятимизда ҳуқуқий экспериментдан ўтказилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасидан асосий мақсад — муҳим ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммолар ечимини топиш жараёнида ушбу органлар фаолиятининг фуқаролар хабардорлигини ошириш ва демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳаллалар, уларда истиқомат қилаётган

аҳолининг ўрни ҳамда ролини мустаҳкамлашдан иборат. Негаки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалланин роли ҳам бениҳоя катта. Шу боис қонун лойиҳасида маҳалла институтининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги иштироки янада самарали бўлди. Бир суз билан айтганда, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда ушбу ҳужжат сиёсий бўйича ҳуқуқий экспериментнинг ўтказилаётгани давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш, очиқ-ошкоралигини таъминлаш имконини беради. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий мезонларидан биридир. Ўз навбатида, қонун лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўқтам АСЛИДИНОВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд шаҳар бўлинимаси раиси.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ

# ЭЪТИБОР ҲАМИША ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Ҳар бир фуқаро давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиб, ўзининг ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари доирасида тегишли органларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли манфаатларининг дастлабки ифодачиси сифатида уларнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Миробод туманида жойлашган «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғини 3,5 мингдан зиёд аҳоли, 53 та кўп қаватли уй, 232 та яқка тартибдаги хо-

айланиб юриб, қайноналарга танбەх бериб кетади.

Йиғин ҳузурдаги Яраштириш комиссияси аъзоси Дилором Ҳусниддинованин айтишича, бу насихатлар жуда таъсирли, ўз ўрнида билдириляпти. Ҳозирги кунга қадар 4 та ана шундай ҳолатнинг 3 таси ижобий ечим топиб, қайнона-келин аҳил яшамоқда.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

надон ҳамда кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўзида жамлаган.

Йиғин кучалари тоза-озода, файзли. Бироқ у ердаги баъзи кўп қаватли уйларида коммунал тармоқлар билан боғлиқ айрим муаммолар учраб туради. Маҳалла раиси фаоллар иштирокида мазкур жиҳатларни ўрганиб, фуқароларнинг ўз ҳуқуқи ва манфаатлариндан фойдаланиши, ижтимоий ташаббускорлигини оширишга ҳаракат қилмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йиғинимизга фуқаролар томонидан 27 та мурожаат келиб тушган, — дейди «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Одилов. — Шундан 12 таси уй-жойларни таъмирлаш билан боғлиқ. Уларнинг аксарияти қаноатлантирилди. Қўшниларининг муаммолари маҳалла орқали ҳал бўлаётганини кўрган кишилар ҳам ушбу тизимга мурожаат қилиб, унинг уларига таянч бўлишига ишонмоқдалар. Бироқ кўп ҳолларда фуқароларнинг мурожаатига сўяниб, Хусусий уй-жой муқдорлари ширкати мутасаддиларига қилаётган илтимосларимиз осонгина ҳал бўлмайпти, дея олмаймиз. Лекин ҳудуд фаоллари шундай вазиятларда ҳам қўлни-қўлга бериб, бошқа ҳомий ташкилотларни жалб қилиши, маҳалла ва аҳоли маблағларидан фойдаланиб, мурожаатларни ижобий ҳал этиши зарур.

Маҳаллада оила, қўни-қўшничилик муносабатлари ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Қайнонасининг таъналаридан зериккан келин дардини онасига эмас, йиғин фаолларига айтади. У оиладаги гапни ташқарига билдиришни, ота-онанинг тинчини бузишни истамайди. Катта ҳаётий тажрибага эга нуруний отахон-онахонлар эса ҳеч нарсани билмагандай, ҳар галгидек хонадонларни

Бу каби озгак ва ёзма шикоятлар мурожаат қилувчининг хоҳишига қура сур тутилиб, Бахтиёр Собиржонов, Елена Бадальян, Ҳушёр Мираҳмедов, Нодира Пулатова, Тўйгун Юнусонова каби йиғин фаоллари иштирокида ўз вақтида қаноатлантириляпти.

— Ҳозирги кунда ҳудудимизда моддий ёрдам, нафақа пуллари тайинланишини сўраб мурожаат қилган фуқаролар учрагани йўқ, — дейди йиғин масъул хотиби Нигора Шерназарова. — Чунки хонадонларни ўрганиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни белгилаб бормоқдамиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ оилаларнинг 5 тасига моддий ёрдам, 4 тасига 2 ёшгача бола парварлиши бўйича нафақа пуллари туланапти.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида тақлифини кўриб чиқиш белгилаб қўйилган. Мазкур фуқаролар йиғинига ҳам Олтинқул 2-тор кўчасидаги кўп қаватли уйлар яқинига спорт майдончалари бунёд этиш хусусида аҳолидан илтимоснона келиб тушди. Бу масаланин ечимин юзасидан фаоллар маҳаллага ҳудуд бошлагич сифатида бириктирилган «Ўзбекистон Темир йўллари» давлат акционерлик компаниясига мурожаат қилишди. Яқинда ана шу ҳудудда кўркам майдончалар барпо этилади.

ҚОНУН ИЖРОСИ


# ЗАҲАР ИСТЕЪМОЛИДА МЕЪЁР ШАРТМИКИН?

Юртимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Бундай савий-ҳаракатлар асосида аҳоли турмуш маданиятини ошириш, ёшларни миллий маънавиятимизга ёт иллатлардан ҳимоялашдек эзгу мақсад мужжасам.

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан баркамол авлодни тарбиялаш йўлида муҳим қадам бўлди. Унинг ижросини таъминлаш борасида тегишли ташкилотлар қатори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам самарали ишлар олиб бориламоқда.

— Мазкур қонун ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб ўлгайишига замин ҳозирлайди, — дейди Китоб туманидаги «Ваткана» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуманнон Гафоров. — «Бир болага етти кўшни ота-она», дейишади. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда улагийб келатган авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис уларни турли ёт гоёлар, зарари одатлардан асраш керак. Маҳалламизда профилактика инспектори ва йиғин фаоллари томонидан 61-ҳамда 62-умумтаълим мактабларига яқин жойлашган 6 та тижорат дўконига тамаки ва алкоголь маҳсулотлари сотиш чекланди. Ҳудудимизда истиқомат қилаётган коллеж ўқувчилари ўртасида бир неча бор тарбиёт-ташвиқот ишларини олиб бордик. Бу борада жамоатчилик назорати ўрнатилиб, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари истеъмолига мойил ёшлар аниқланиб, ота-онани ёрдамида уларни бу иллатдан қайтардик. Ўтказилган тадбирларда соғлиқни сақлаш ходимлари ҳар бир ўқувчи билан алоҳида суҳбатлашиб, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари истеъмолига мойил ёшлар аниқланиб, ота-онани ёрдамида уларни бу иллатдан қайтардик. Ўтказилган тадбирларда соғлиқни сақлаш ходимлари ҳар бир ўқувчи билан алоҳида суҳбатлашиб, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари истеъмолига мойил ёшлар аниқланиб, ота-онани ёрдамида уларни бу иллатдан қайтардик.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан жойларда мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида тарбиёт-ташвиқот ишлари, пешлавлалар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилиб, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонуни ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан баркамол авлодни тарбиялаш йўлида муҳим қадам бўлди. Унинг ижросини таъминлаш борасида тегишли ташкилотлар қатори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам самарали ишлар олиб бориламоқда.



ки маҳсулотларининг зарари оқибатлари хусусида аҳолига тушунчалар берилмоқда.

— «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳар бир одамнинг ўз тақдири, келажиги ва юрт истиқболига маъсулликни аниқлатади, — дейди Фонднинг республика бошқаруви бош мутахассиси Абдумурод Азизов. — Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари оиди-сотиқсини чеклаш, воғта етмаган ёшларни унинг истеъмолидан қайтариш аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳаллаларда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари оиди-сотиқсини чеклаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг шу давригача Фонднинг республика бошқаруви томонидан 7 мингга яқин тарбиёт-ташвиқот ишлари ташкил этилиб, уларда 700 мингга яқин аҳоли иштирок этди.

Дарҳақиқат, юртимизда инсон саломатлиги, унинг ҳуқуқи ва эркинликларини таъминловчи қонун ҳужжатлари талайгина. Аммо соғлиги учун, биринчи навбатда, одамнинг ўзи жавобгар. Зарарли маҳсулотларни метёридан кўп истеъмол қилиш оилалар тинчлиги ҳамда оёсийшгаллиги, фарзандларимизнинг соғлом муҳитда камол топишига салбий таъсирини кўрсатади, албатта.

Баҳодир ҲАЛИМОВ «Mahalla»

Камола ЖўРАЕВА.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ҚЎЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ



«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» вилоят кенгаши...

лойиҳа қўлаб-қувватланди. Фуқароларга 95 та ҳуқуқий, 25 та таълим, 90 та тиббиёт, 45 та ижтимоий грантлар омиш, 80 та кредит олиш ва 69 та бошқа соҳалар бўйича маслаҳатлар берилди.

— Форум кенгаши ва ахборот маркази ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўлаб-қувватлашга ҳам эътибор қаратаётди, — дейди Ижтимоий қўлаб-қувватлаш ахборот маркази директори Мунаввар Наматов.

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг вилоят бўлими билан ҳамкорликда йилнинг уттан даврида уч нафар фуқарога бегараз моддий ёрдам кўрсатилади.

— Қизимни даволатиш учун Ижтимоий қўлаб-қувватлаш ахборот марказига қилган мурожаатим эътиборсиз қолмади, — дейди Жиззах шаҳрининг «Дустлик» маҳалласида яшовчи Гулзода Худойбердиева.

ланади. «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг вилоят бўлими ва форумнинг ахборот маркази томонидан Жиззах шаҳри, Жиззах ва Дустлик туманларида банк, солиқ, тадбиркорлар палатаси худудий бўлими ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари иштирокида «Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиёти гарови» мавзусида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Фуқароларга фақат маслаҳат бериш билан чекланиб қолмасдан амалий кўмак ҳам кўрсатишмоқда. Жорий йилда фуқароларга вилоятдаги банклардан 791,2 миллион сум кредитлар ажратилишига ёрдам берилди. Масалан, Жиззах туманида яшовчи фуқаро Ёқубжон Зоҳидов «Агробанк»дан 75 миллион сум кредит олиб, чорвачиликни йўлга қўйди. Натijaда 5 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими ҳамда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ва унинг ахборот маркази ўртасидаги ҳамкорлик жамиятнинг жадал тараққиёти эътибори муносиби ҳисса қўшишдан иборатдир.

Бек НАЗАР «Mahalla»

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ — КИЧИК БИЗНЕС МУВАФФАҚИЯТИ



Мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити иқтисодий тармоқларнинг жадал ривожланишига омил бўлаётди. Бундай ютуқлар, шубҳасиз, республика банклари кредит сибатининг устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Давлатимиз, хусусан, Юрбошимизнинг қўлаб-қувватлашлари боис тобора раванқ топаётган тадбиркорлик субъектлари тижорат банклари тақдим этган турли кредит хизматларидан унумли фойдаланмоқдалар. Маълумотларга қўра, уттан йили тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молилаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди. Мустақкам оила йили давомида оилавий тадбиркорлик ва хунарманчиликни ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ҳам банкларнинг бир қанча кредит линиялари жалб этилди. Обод турмуш йилида ушбу курсаткич янада ошиши кутилмоқда.

Аҳолига кредит, омонат, сугурта, ломбард каби молиявий хизматлар ҳам кўрсатишмоқдаки, бундай жараёнлар мижозлар учун қўшимча қўлайликлар, имкониятлар туҳфа этаяётгани билан аҳамиятлидир. Бироқ баъзида аҳоли ўртасида ушбу хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар, тақлиф ва муҳозазаалар туғилиши табиий.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерациясининг худудий тузилмалари томонидан аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини англатиш борасида жойларда олиб борилаётган тарғибот тадбирларида кишилар молиявий хизматлардан фойдаланишдаги имтиёз ва имкониятлардан хабардор этилмоқда.

Каттақўрғон шаҳри маҳаллаларида ҳам бундай тадбирлар соҳа мутахассислари ва мутасаддилар томонидан мунтазам уюштириб келинаётгани аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтираётди.

— Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўлаб-қувватлашнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги Фармонига биноан банклар томонидан ёш оилага кредит берилаётгани каттақўрғонлик ёшларнинг ҳам миннатдорлига сабаб бўлмоқда, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси Каттақўрғон тумани бўлими раис Наби Ортиқов. — Доимий ҳамкоримиз — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими билан маҳаллаларда ўтказаятган тадбирларимизда бундай кредитларни олиш йўл-йўриқлари тижорат банклари мутахассислари томонидан тушунтириляпти. Жумладан, ёш оила учун мўлжалланган ипотека кредитларини олиш учун эр ва хотиннинг ёши 30 дан ошмаган, никоҳи

биринчи марта қайд қилинган бўлиши талаб қилинади. Улар учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш амалдаги ставкасидан ошмайдиган имтиёзли фойз ставкаси ўрнатилган. Кредитни қайтариш жараёнида асосий қарзни қайтариш муддатини имтиёзли уч йил кейинга суриш ҳам қўзда тутилган. Аҳоли ушбу тадбирлар натижасида имтиёзли кредит маблағини қайтариш жараёнида омонатчининг даромад солиғини тўламаслиги, лекин даромад солиғи устамаси кредитни қайтариш ҳисобига ёзилиши, ипотекани кредитлашда банклар томонидан ёш оилаларга бериладиган кредит ҳажмлари, кредит фойз ставкалари ҳамда кредит олиш учун зарур ҳужжатлар ҳамда талаблар ҳақида ҳам муайян маълумотларга эга бўлаётди. Қолаверса, аҳолини ломбард, омонат ва сугурта полислари хусусида ҳам хабардор этмоқдамиз.

Кредит хизматларидан унумли фойдаланаётганлар орасида касб-хунар коллежи битирувчилари ҳам борлиги қўвонари. Тумандаги «Ўрикзор» маҳалласида истиқомат қилувчи Севара Ироҳимова, Амир Темур номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мария Улутмуродовалар коллежни битириш арафасида чорвачиликни ривожлантириш истиқболларини акс эттирган лойиҳа тайёрлаб, шу асосда банкларнинг имтиёзли кредитларига эга бўдилар. Ҳақ-ҳуқуқини яхши англаган қизлар тендошларидан уч нафарини доимий ишга жалб этди. Айни пайтда улар кредит маблағларини қайтариш шартларини муваффақиятли бажаришяпти.

Фуқаролар йиғинларида ҳар бир бизнес лойиҳани амалиётга таъбиқ этилиши ҳамда кредит маблағларини олишга бағишлаб махсус йиғилишлар ўтказилади. Тадбиркорлар тақдим этган истиқболли лойиҳалар, албатта, қўлаб-қувватланади. Шаҳардаги фойдаланилмаган турган бинода «Самарқанд Валижонстрой» хусусий корхонаси ташкил этилиб, пайпоқ ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ҳам ана шундай тадбирлар самарасидир. Миллий банкдан олинган 50,0 миллион сумлик кам фойдали кредит эвазига иш бошлаган корхонада 14 нафар йилгит-қиз меҳнат қилаётди.

Юртимизда ҳар бир эзгу ният ижобат топади. Фонд тузилмаларининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари кичик бизнесдаги улкан муваффақиятларга гаров бўлаётди.

Ю.ХОЖИЕВА «Mahalla»

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

Юрдошларимизнинг тадбиркорлик ортидан даромад топиб, фаолиятини эмин-эркин давом эттираётгани кишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмасининг ривожига ижобий таъсир кўрсатаётди.



Энг қўлай бизнес тури — оилавий тадбиркорлик субъектларининг давлатимиз томонидан қўлаб-қувватланиши эса кишиларни ҳамжиҳат ва яқдил саъй-ҳаракатларга, янги марраларга чорламоқда.

Қувонарлиси, бугун мамлакатда кенг қўлоқ эъзаётган оилавий бизнес тармоқларининг ҳар бир маҳалла худудида жадал ривожланишида фуқаролар йиғинларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани «Бектўпи» маҳалласида ҳам тадбиркорлик ортидан ҳалол даромад топаётган, эл қорига камарбаста бўлаётганлар бисёр. Улар орасида ёш ва интилувчан йилгит-қизларнинг борлиги янада аҳамиятли.

5425 нафар аҳолини бirlаштирган маҳалла фуқаролар йиғинига Насиба Раҳматиллаева раислик қилади. Маҳалла институтининг нуфузи ва мавқеи тобора ортиб бораётган айни кунларда раис ва фалолар бектўпиликларнинг бор имкониятини юзага чиқариш, салоҳиятларидан унумли фойдаланиб, кумак кўрсатишга астойдил интиляшади.

Йилнинг қошидаги тикувчилик цехи ҳам айнан Н.Раҳматиллаеванинг ташаббуси билан ташкил этилди. Бу ерда айни пайтда 5 нафар қиз тикчи-бичиш билан банд. Маҳалла аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, худудни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда йилнинг раисининг ҳиссаси катта бўлаётди.

кўпайса, маҳалла обод, турмуш фаровон бўлади, — дейди Н.Раҳматиллаева. — Юрбошимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани оилавий бизнесни ривожлантириш ва хусусий тадбиркорлик марказига айлантириш борасида зарур тасвия ва курсатмалар берилган. Айнан шу ҳужжат боис кетма-кет қабул қилинган қонунлар ҳам юртимизда ишбилармонларнинг янги авлоди шаклланишига, ўз хунари орқали бизнесини йўлга қўйиб, улкан муваффақиятларга эришяётган тадбиркорлар сафининг кенгайишига омил бўлди. Маҳалламизда уттан давр мобайнида 15 та тадбиркор бизнесини бошлади. Улар орасида оилавий тадбиркорлик билан шугулланаётганлар ҳам бор. Аҳолига сифатли маҳсулот ва хизматлар тақдим этишда тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобатнинг ҳукм сураётгани э-улуфта ҳар жиҳатдан фойда келтиряпти. Қолаверса, улар маҳалладошлар бандлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшишяпти.

«Бектўпи»да жойлашган «Саховат улғуржи савдо» масъулиятли чекланган жамияти қошида очилган ательеда нафақат либослар тайёрланади, балки қизлар хунарга ўргатилади. Маҳоратли тикувчилар қизиқувчан ёшларга миллий либосларни тикитиш, замонавий кийимлар тайёрлаш, уй анжонлари дизайнлаш борасида сабоқ берадилар. «Бектўпи» пойтахт маҳаллалари орасида энг намунали гушалардан. Биз кузатган манзаралар эса, фуқаролар йиғини томонидан соҳага оид қонунлар ижроси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини, худуд оёсини таъминлаш борасида амалга оширилаятган саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ, албатта.

Олтиной МАДДАМИНОВА.

ТАНЛОВ

ИБРАТЛИ ЙИГИНЛАР КЎРИГИ



Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Айни кунларда миллий ва маънавий қадриятларимизни улуғлаш, тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, маҳаллаларда турли соҳа, йўналишлар бўйича амалга оширилаятган ибратли ишларни омаллаштириш мақсадида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танаови ўтказилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хива тумани бўлими, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамгармаси, «Камолот» ЁИХ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, туман ҳақ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, касаба уюшмалари, маданият ва спорт ишлари, маънавият тарғибот маркази, тиббиёт бirlашмаси вакиллари иштирокида 23 та фуқаролар йиғини ўртасида ушбу танловнинг туман бос-

қичи ўтказилди.

Танловни ўтказишда қонунийлик, ошқоралик, адолат ва тенглик каби тамойилларга қатъий риоя қилинди. Иштирокчиларнинг маҳаллаларда озодалик, орасталикни сақлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларни қўлаб-қувватлаш, вояга етмаганлар билан ишлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда йиғин ҳузурдаги доимий комиссияларнинг фаолиятига ҳақамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов натижаларига қўра, «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, «Янги ҳаёт» маҳалласи иккинчи, «Дустлик» маҳалласи учинчи ўринни эгаллади ва кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Гойиблар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими билан ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Тадбирда санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганда хуш кайфият бағишлади.

Гулбаҳор ОТАМУРОДОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хива тумани бўлими масъул котиби.

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

АЖДОДЛАР МЕРОСИ — АВЛОДЛАР АРДОҒИДА

Туман зиёлиларидан Салим Ҳамроқулловнинг «Яйпан: кеча ва бутун» рисолисида Ўзбекистон туманининг маркази ҳисобланувчи бу шаҳарнинг лугавий маъносини «ёй» — турк тилида «ёйилган», «панд» — ҳинд тилида «сув» дейилиб, «ёйилган сув» маъносини билдириши келтирилган.

— Халқимиз тасвиру тасаввурга бой. Ушбу жойнинг яна бир мазмуни ҳам юқоридаги каби ўзига хослик касб этиб, гаройиб ухшаш воситасида юзага келган, — дейди «Яйпан овози» газетаси бош муҳаррири Комилжон Шерматов. — Яйпан жанубидаги уч қақиримга қўзилган, ёйсимон ҳолатда жойлашган Шўрсув адирлиги «камон» дея тасаввур этилиб, унинг ўртасидан уттан Исфара-Лаккон-Шўрсув сойи — камон ўқи, «пон» сифатида эл орасида машҳур. «Камон» ипига ўрнашган жойи эса «яйпан» дея таърифланади.

Шу заминда туғилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси, болаларнинг севилими адиби Худойберди Тухтабоев ўз асарларининг бирида, «яйпан» сўзи турк-мугул сўзи-

дан олинган ясси, текис ер, текислик маъносига) эканини ёзди. Бундан ташқари, «Ўзбек классик адабиёти учун» номи қисқача лугатда ҳам худди шу изоҳлар ифода этилган.

Қадимда Қўқон хонлиги худудида булган бу макон ўзининг уста хунармандлари, гузал табиати ва зияратхоналари билан ном таратган. Шунингдек, Яйпан ўзбек адабиётининг етуқ намояндаси (1850-1930 йилларда яшаб утган) Ҳакимий тахаллуси билан шеърлар ёзган тарихчи ва табиб, «Девони Ҳакимий», «Тариқ ул-илож» («Даволаш усули»), «Абу Али ибн Сино қиссаси», «Маъдан ул-адвия» («Дори-дармонлар манбаи»), «Қонун ул-илож» («Даволаш қонунини»), «Мужарработи Маҳмудий» («Маҳмуд тажрибалари»), «Хуллас ул-таворих» («Тарихлар сараси») каби асарлар муаллифи Маҳмуд Ҳакимий Яйфоний номи орқали ҳам дунёга танилган.

Юрбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ана шу эзгу шиордан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиздаги кулгина тарихий жой номлари ўрганилаятир, қайта тиклаятир.



Маъно англатмайдиган чучмал сўз ва иборалар, ҳеч ким танимайдиган кимсалар исм-шарифи билан атаб келинган худудларга уша ернинг ўзига хослиги, ўтмишидан келиб чиқиб, янги ном берилмоқда. Бу бугунги куннинг сермазун тарихини таъминлайди, албатта. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган «География объектларининг номлари тўғрисида»ги Қонуни ҳам бу борада дастуриламал бўлаётди.

— Яйпан шаҳри марказида халқ таълими «Яйпан гузари» деб аталиб келган жойга, яқин ўтмишда шахс номи берилган эди, — дейди Маънавият тарғибот маркази Ўзбекистон тумани бўлими раҳбари Соибжон Раҳмонов. — Маънавий тикланиш шарофати билан худуднинг тарихий атамасини тасвия этдик. Шунингдек, туманимизда 50 га яқин жой номлари ўзгартирилганидан барча мамнун.

Йилнинг мингдан зиёд аҳоли, давлат ва жамоат ташкилотлари,

савдо ва маийш хизмат курсатилган объектларини ўзида жамлаган Яйпан шаҳри ана шундай ривоятга маънолар маҳзанига эга худуд сифатида бир неча юз йиллардан буй тарих тўғонларидан омон ўтиб, ривожланиб келаятир. Унинг аҳил-иноқ, собитқадам аҳолиси эса, бу номи улут қадрият сифатида эъзозлаб, қўз қорачигидай асраб-авайламоқда.

Умида УЗОҚОВА «Mahalla»

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

ЭЗГУ МАҚСАД ВА АМАЛ САМАРАСИЗ КЕТМАЙДИ



Маҳаллаимиз ҳузурда ота-оналарнинг ёш авлоди тарбиялаш буйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оши-

лагандан бери маҳаллаимиз ёшларининг тарбияси сезиларли даражада яхши томонга ўзгарди.

Маҳаллаимиз қошида ташкил этилган чеварлик ва зардушлик тугаракларида айни пайтда 20 нафардан зиёд қиз ҳунар ўрганмоқда. Шунинг баробарида уларга му-

Мен турмуш қувончларини ташвишларини яқин қуни-қушларимиз, маҳалладошларимиз тасаввур қила олмайман. Шунинг учун ҳудудимизда бирор оила ўғил уйлантирмоқчи ёки қиз чиқармоқчи бўлса, албатта, йигин раиси Бахтиёр Жумамуродов ҳамда Ярашгириш комиссияси аъзолари билан тўйчиникига бориб, шодийнани дабдабасиз ўтказишга келишиб оламиз. Бундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида маҳаллаимизда тўй-маъракалар камчиқим тарзда ўтказилмоқда.

2003-2011 йиллар мобайнида маҳаллаимиздаги Халқобод саноат-транспорти касб-ҳунар коллежиде меҳнат қилганим «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини самарали йўлга қўйишимизда қўл кел-

ди. Ҳудудда 2 та мактаб ва 1 та касб-ҳунар коллежи бор. Жорий ўқув йилида маҳаллаимиз ёшларидан 47 нафари мактабни тамомлади. Уларнинг барчаси таълимнинг кейинги босқичига жалб этилди. Шунингдек, бу йил касб-ҳунар коллежларини битирган 63 нафар ўғил-қиз ўз ихтисосликларини буйича шаҳарчамиздаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида ишга жойлаштирилди.

Йигинимиз ҳузурдаги Воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари буйича комиссия аъзолари, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси сардори ҳамда ҳудуд профиллактика инспектори билан ҳамкорликда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳам доимий эътиборимизда. Воёга етмаганлар ўртасида олиб борилган тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида сўнгги йилларда маҳаллаимизда воёга етмаганлар орасида жиноятчилик ҳолатлари умуман кузатилмади.

Асли касбим журналист бўлгани боис маҳаллаимиз ёки ёндош фуқаролар йигинларида меҳнат қилган ҳамкасбларимнинг фаолиятини туманимиз ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси оммавий ахборот воситаларида ёритишга ҳара-

кат қиламан. Зотан, «Фуқаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида»ги Низомда белги-ланганидек, маслаҳатчи босма ва электрон оммавий ахборот воситалари орқали ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан чиқишларни амалга оширади. Қўриқ-танловнинг республика босқичида муносиб иштирок этганимнинг сабаби ҳам шунда, деб биламан.

Бир сўз билан айтганда, эзгу мақсад йўлидаги меҳнатларим бе-самур кетмаётганидан қувонаман. Бугун мен каби ушбу соҳада меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларим маҳаллаимиздаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Маслаҳатчилар саъй-ҳаракатлари билан юртимиздаги ҳар бир оилада тинч-тотувлик, аҳиллик ҳукм суриб, аҳоли турмуши янада обод бўлиб бормоқда. Бизга фахрланиш учун шунинг ўзи киёфя.

Арзайим РИЗАЕВА, Кегейли тумани Халқобод шаҳарчаси «4-сонли» маҳалла фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси.

«ЁЗ – 2013»

Оромгоҳлар болалар билан гавжум



Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш мавсуми муваффақиятли давом этмоқда. Аксарият ўқувчилар таътил кунларини сулим гушалардаги соғломлаштириш муассасаларида ёки мактаблар ҳузурда ташкил этилган кундузги оромгоҳларда ўтказишаётир.

Жорий мавсумда пойтахтимизда 40 га яқин кундузги оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларда 7-13 ёшдаги 16 минг нафардан зиёд ўғил-қиз ҳордиқ чиқариш имкониятига эга. Мазкур муассасаларда болалар нафақат мароқли дам олиши, балки кўлаб тугаракларда ўз билим ва куникмаларини оширишлари мумкин.

Миробод туманининг Шароф Рашидов номидаги маҳалла фуқаролар йигини ҳудудида жойлашган 110-умумтаълим мактаби қошида «Бойчечак» кундузги оромгоҳи ташкил этилган.

Болаларнинг музейлар, истироҳат боғлари, спорт объектларига бориши, турли танловлар ва спорт беллашувларида иштирок этиши оромгоҳ мутасаддиларининг доимий эътиборида.

— Мавсумнинг ҳар босқичида туманимизнинг турли маҳаллаларидан келган 150 нафар ўғил-қизни қабул қиляпмиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Гулнара Аҳмедова. — Расм чиқиш, ашула, шахмат-шашка, рақс ва бисер туқиш буйича «Моҳир қўллар» тугаракларининг фаолияти таътилни мароқли ўтишини таъминламоқда. Бундан ташқари, турли ёшдаги болаларнинг жисмоний ва руҳий имкониятлари ҳисобга олинди, 10 та ётоқхона ва 4 та ўйин хоналари ҳам жиҳозланган. Спортнинг футбол, волейбол ва баскетбол турига ихтисослашган машғулотларни малакали мураббийларимиз олиб боришапти. Замонавий компьютер технологиялари ва бадий китобларни ўзида жамлаган ахборот-ресурс маркази болалар ихтиёрида.


Оромгоҳда ўтказилаётган олимпиадалар, матривий танловлар, техник ва бадий ижодиёт кўргазмалари, фан, санъат, спорт намояндалари билан қизиқарли учрашувлар болаларнинг билими ва тафаккурини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Элбек ЖУМАНОВ «Mahalla»



Экспорт ҳажми пасайди

Хитой ҳукумати июнь ойида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уч фоизга камайганини эълон қилди.



Маълумотларга қўра,

мазкур ойда хитойлик ишлаб чиқарувчилар хорижга 174 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилган.

Айни пайтда 147 миллиард долларлик маҳсулот четдан олиб келинган. Хитой экспорти камайтгани глобал миқёсда талабнинг озайтгани, хорижий валюта курсининг ўзгаргани ҳамда меҳнат харажатларининг ошгани билан изоҳланмоқда.

Айбловларни инкор этди

АҚШнинг Бостон шаҳрида уюштирилган портлашларда айбланган 19 ёшли Жоҳар Царнаев суд маҳкамасида ўзига қўйилган барча айбловларни инкор этди.

Унга 30 банддан иборат айблов қўйилган. Жумладан, одамларнинг ўлимига олиб келган оммавий қиргин қуролини қўлаганлик банди ҳам бор.

Икки портлашда уч киши ҳалок бўлган, 260 киши жароҳат олган эди. Террор ҳужумининг асо-

сий ташкилотчиси Жоҳарнинг акаси, 26 яшар Тамерлан Царнаев экани айтилмоқда. У полиция ходимлари билан отишмада ҳалок бўлган.

Агар Жоҳар айбдор деб топилса, улим жазосига ёки умрбод қамоққа ҳукм қилиниши мумкин.

«Ақлли» дераза

Жанубий корейлик олимлар «нафас олади-ган», аммо шовқинни ўтказмайдиган деразани кашф қилишди.



Янги дераза ҳавони ичкарига ўтказган ҳолда шовқинни тўсиб қолади. Бунинг учун нисбатан од-

дий конструкциядан фойдаланилган. Шаффоф акрил пластиналари бир вақтнинг ўзида товуш дифракцияси билан бирга ҳаво айланишига хизмат қилади.

Туйнукчалар диаметри шундай мослаш мумкинки, ташқаридаги ускунанинг ёқимсиз шовқини эмас, бор-йўғи паст овози эшитилади.

Бундай ромлар хонани «акустик ахлат» — шовқинлардан асрайди.

Интернет маълумотлари асосида Парвина ОМОНОВА тайёрлади.

БИЛДИРИШ

Газетанинг навбатдаги сони 20 июль, шанба куну чоп этилади.

САХОВАТ

«Ёр-ёр» садолари давом этади

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Меҳр нури» жамғармаси ҳамкорликда кам таъминланган, ижтимоий ҳиммага муҳтож ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Дарвоқе, 2012 йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда «Аёллар кенгаши» ҳамкорликда «1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўй» хайрия акциясини ўтказишган эди. Мазкур ташаббусни қўлаб-қувватлаш мақсадида Обод турмуш йилида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳам ҳамкор ташкилотлар қаторига қўшилди.

Ушбу хайрия тадбирлари доирасида Наманган вилоятида 50 та никоҳ тўйи ўтказилди. Демак, 100 нафар балоғат ёшидаги йигит-қиз оила, деб аталмиш муқаддас қўрғонга қадам қўйди.

Ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган хайрия тўйларининг кейинги манзили яқин кунларда белгиланади. Демак, маҳаллаларимизда «Ёр-ёр» қушиқ садоларининг жаранги, шодийнаси давом этади.

Дилдора ҚАРШИБОВЕВА.

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

Майдонда кучлилар беллашади



Ўтган йили «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларининг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги баҳсларининг якуний босқичида бронза медални тақдирланган Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Белтепа» маҳалла фуқаролар йигини вакиллари жорий йилда ҳам юқори натижаларни кўзлаган.

Йигинининг барча ёш тоифасидаги жамоалари маҳаллалар ўртасида ўтказилган мусобақаларда галиб чиқиб, туман босқичига йўланма олишди.

Маҳалла ҳудудидаги замонавий спорт мажмуасида футболдан ташқари, бадий гимнастика, кураш, таэквондо, волейбол, баскетбол, регби ва шахмат-шашка каби спорт турлари билан шугулланиш имконияти

мавжуд. 14 нафар малакали мурабий 300 нафардан зиёд ёшга маҳорат сирларини ўргатмоқда. Маҳалла қизлари орасида ҳам спортга бўлган қизиқиш ортиб бораётир. «Белтепа» спорт мажмуасидаги машғулотларда қатнашаётган қизлар сони 100 нафардан ошиб кетди.

Дилноза АБДУРАҲМОНОВА.

ASAKA BANK advertisement with logo, contact information, and list of branches.